Соҳавий хизматларда

КОНЦЕПЦИЯ ТАЛАБЛАРИ АМАЛДА

Тезкор-профилактик тадбирлар натижасида бевосита жорий йилнинг ўтган даврида ППХ ходимлари томонидан 48 та жиноят «иссиқ изида» фош этилди. 309 та жиноятни очишда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари билан ҳамкорлик қилинди. 66 нафар қидирувдаги шахс ушланиб, 11 нафар бедарак йўқолган шахс топилди. Бундан ташқари, «Тиғ» тадбири давомида 7092 нафар фуқародан 5999 та пичоқ, 72 та каскет, 82 та бита ва 958 та бошқа тиғли жисмлар олинди.







31 май куни вилоят ИИБ «102» ахборот марказига қўқонлик фуқаро мурожаат қилиб, шаҳарнинг Ҳўқандий мавзесида автомашинасига йўловчи сифатида чиққан бир йигит 11 миллион 600 минг сўм пулни олиб, қочиб кетганини маълум қилди. Бу жиноят айнан патруль-пост хизмати ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида тезкорликда фош этилди. Вилоят ИИБ 2-минтақавий ҳудуди ППХ отряди 4-гуруҳ командири, капитан Мирзали Ҳайдаров, сафдорлар Муҳсин Ғуломов ва Баҳодир Аҳмедов томонидан гумон қилинган шахс ушланиб, Қўқон шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлимига топширилди.

2 июнь куни эса 2-минтақавий ҳудуд ППХ отряди 2-гуруҳ бўлинма командири, сафдор Толибжон Мамадалиев хизмат жараёнида жиноятларни содир этгани учун қидирув эълон қилинган М.А.ни ушлаб, Қўқон шаҳар ИИБ вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштирди.

Соҳа ходимлари фаолиятидан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бу каби ютуқлар патруль-пост хизматига катта эътибор қаратилаётгани, тизимга янги техникалар ва замонавий ахборот технологияларининг жорий этилаётгани меваси, десак, янглишмаган бўламиз.

Шу ўринда эътиборли бир мисол: **айни кунларда Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларининг энг гавжум ҳудудларида патруль-пост хизмати ходимлари скутерларда хизмат фаолиятини ўтаётганига гувоҳ бўлиш мумкин.** Улар кўнгилсиз ҳолат рўй берган кўп қаватли уйлар орасига, тор жойларга жуда қисқа вақт ичида етиб бориб, вазиятни назоратга олишмоқда. Ҳозирда вилоят бўйича 26 та ана шундай замонавий скутердан хизматда кенг фойдаланилмоқда.

Азамат МИРЗАКАМОЛОВ,
катта сержант.
Абдувосит СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.
Фарғона вилояти.

Битирув

«ШАРАФЛИ НОМГА МУНОСИБ БЎЛИНГ»



Бу йил Академиянинг кундузги таълим йўналишини етти мутахассислик бўйича 631 нафар курсант тамомлади. Ўтган уч йил мобайнида улар замонавий педагогик ёндашувлар, миллий ва хорижий илғор тажрибалар асосида билим олиб, касбий кўникмаларини мустаҳкамлаб боришди. Машғулотлар Академия профессор-ўқитувчилари, ички ишлар органларининг тажрибали амалиёт ходимлари, шунингдек, турдош олий таълим муассасаларининг малакали мутахассислари томонидан олиб борилди. Курсантлар учун ўқув жараёни давомида ҳудудий ички ишлар органларида иш ўрганиш амалиётлари ташкил этилди. Ўқув дастурлари бўйича улар якуний давлат аттестация имтиҳонларини топшириб, малакавий диплом ишларини муваффақиятли ҳимоя қилишди.



Битирув тадбирида ёш лейтенантларга дипломлар тантанали равишда топширилди.

Тадбирда Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов битирувчиларни табриклаб, Президентимиз раҳбарлигида ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қиладиган профессионал тузилма сифатида шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида тўхталди.

– Соҳадаги улкан ислоҳотлар Ватан тақдирига дахлдор, фидойи ва ташаббускор, ҳар томонлама профессионал янги авлод ички ишлар органлари ходимларини тайёрлашга йўналтирилган. Сизлар ана шу масъулиятни доимо ҳис қилиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз курашиш йўлида бор куч-ғайратингизни сафарбар этишингиз, ички ишлар органлари ходими деган шарафли номга муносиб бўлишингиз керак, – деди Ички ишлар вазири.

Тантанали тадбирда битирувчилар ва уларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан ёшлар таълим-тарбияси йўлида қилинаётган кенг кўламли ислоҳотларни эътироф этишди. Шундан сўнг ёш лейтенантлар тантанавор марш билан юриб, қадрдон ўқув даргоҳи билан хайрлашди.

Жамшид ХОЛОВ,
капитан.

Бизнинг суҳбат



ҚАЛБ КЎЗИ БИЛАН КЎРИШ ҲАМ БАХТ

Бугунги суҳбатдошимизнинг сермазмун қўшиқларини кўп эшитгансиз. Унинг сўз усталари билан тенгма-тенг аския айтишаётганини ҳам кўргансиз. Машҳур санъаткорларимиз овозини ўхшатиб, Шукур Бурҳонов, Аббос Бакиров, Турғун Азизовларни тақлид қилганига ҳам гувоҳ бўлгансиз. Англаганингиздек, навбатдаги суҳбатдошимиз моҳир ижодкор Ўзбекистон халқ ҳофизи Оролмирзо Сафаров.

– Суҳбатимиз аввалида ўқувчиларимизга, айни пайтда, аксар мухлисларингизга ҳам қизиқ бўлган бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Оролмирзо Сафаровнинг болалиги қандай ўтган? Ёшлигида нималарни орзу қилган?

– Болалигим Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида ўтган. Оиламизда олти фарзанд бўлган, ота-онамиз бизларни ҳеч кимдан кам қилмай тарбия қилишган. Олти ёшимгача қишлоғимиз кўчаларида бошқа болалардек ҳаёт кечирганман. То Самарқанд шаҳридаги кўзи ожизлар мактабига олиб боришмагунча менинг кўзим ожиз, деган тушунча бўлмаган. Уйимдагилар ҳам кўзи ожиз эканимни билдиришмаган. Кейин билдимки, туғилган вақтимда тақдиримда шу битилган, албатта, оилада Абдуҳамид акам ва менга бундай тақдир ёзиғи бўлганидан ота-онамиз изтиробга тушишган. Бироқ бизни ўкситтирмай, яхши инсон бўлишимиз учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишган.

18 ёшгача Самарқанд шаҳридаги кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатида устозларимдан таълим олдим, тўгаракларда қатнашдим. Лекин 4-синфгача кўниколмай, фанларни яхши ўзлаштиролмаганман. Вақт ўтиши билан устозларимнинг насиҳати, ота-онамнинг ўгитлари ва тақдир менга шундай ҳаётни раво кўрганини тушуниб етишим ўзгаришимга сабаб бўлган. 5-синфдан бошлаб ҳамма фанлардан яхши ўқиб, аълочи бўлганман. Мактабни ҳам аъло баҳоларга битирдим.

Оиламизда санъатга қизиқиш катта бўлган. Уйимизда машҳур санъаткорларнинг қўшиқлари жамланган магнит тасмалари жуда кўп эди. Кейин уйимизда мўъжазгина кутубхона бўларди. Қўшиқларни эшитиб, қўшиқ ва куй оламини болалигимиздан тасаввур қилиб улғайган бўлсак, онамнинг ҳар куни китоб ўқиб беришини ҳам сабрсизлик билан кутардик. Ҳаётдаги биринчи устозларим деб менга тўғри йўлни кўрсатган отам-онам ва нима керак бўлса, топиб бериб, қаерга олиб бориш керак бўлса, олиб борган акам бўлган, десам, асло янглишмаган бўламан.

Отам ғойибона санъатни яхши кўрганлар, «Кунтуғмиш», «Гўрўғли», «Алпомиш», «Тоҳир ва Зуҳра» достонлари асосида яратилган мусиқий асарлардаги арияларни моҳирлик билан ижро этган. Шунинг учун ҳам ўзи эришолмаган орзуни мен амалга оширишимни истаб, шу йўлда жон-жаҳди билан ҳаракат қилган.

– Газетамизнинг «Бир қўшиқ тарихи» рукнида халқимиз дилидан жой олган қўшиқларнинг яралиши ҳақида мақолалар бериб борамиз. Шу ўринда сиз маҳорат билан ижро этган «Шукроналик» қўшиғининг тарихи ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Бу қўшиқнинг яратилишига ўзим сабабчи бўлганман. Кўплаб инсонларни шукур қилишга ундовчи шундай қўшиқ яратиш ғояси менда бўлган, лекин унинг амалга ошиши мушкул бўлиб турганди. Бир куни зарур иш билан Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбековнинг ижодхонасига бордим. Озодбек ўшанда яккахон концертига тайёргарлик кўраётганди. «Ака, сизга бир таклиф бор, концертда иккаламиз бир дуэт ижро қилсак. Сизнинг ҳаётингиз, тақдир йўлингиз акс этган бўлса», деб қолди. Мен бунга жон деб рози бўлдим.

Хуллас, 2009 йил апрель ойида бўлиб ўтган концертда ўша қўшиқни биргаликда ижро этдик. Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ботиржон Эргашев шеъри, Мусахон Нурматов мусиқаси билан яратилган «Шукроналик» қўшиғи дунё юзини кўрди. Халқимиз уни яхши кутиб олди, шу қўшиқ орқали кимнингдир қалбига кириб борган бўлсак, ўтаётган кунига, Оллоҳ берган неъматларига шукроналикни жо қилган бўлсак, ўзимизни жуда бахтиёр ҳис қилган бўламиз.

– Сиз устоз сифатида ҳозирги қўшиқчилик санъатига баҳо беришга, унинг ютуқларини эътироф этиб, камчиликларини рўйирост айтишга ҳақлисиз. Айтинг-чи, сиз бугун ижро этилаётган қўшиқлардан кўнглингиз тўладими?

– Ҳозирги қўшиқчилигимизнинг ютуқлари ҳам бор, камчиликлари ҳам етарли. Афсуски, айни пайтда яхши санъаткорлар қаторида оғзини қимирлатиб, фонограммада бугун бор, эртага йўқ қўшиқларни айтаётган, тирикчилик, сохта обрў учун шу соҳада юрган «санъаткор»лар кўпайиб кетди. Улар саёз мусиқа, номи шеър бўлган алмойи-жалмойи сўзлар билан ўзларича қўшиқ айтиб, ўзларига мос аудиторияни ҳам шакллантиряпти.

– Хабарингиз бор, юртимизнинг барча ҳудудида кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун фаолият кўрсатаётган махсус мактаблар «Нурли маскан» дея қайта номланиб, Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари оталиғига ўтказилди. Бу ўзгаришлардан кейин сиз мактаблар келажагини қандай тасаввур қиляпсиз?

– Гапнинг очиғи, Президентимиз жуда улуғ, савоб ишга қўл урди. Негаки, ҳали бирорта давлат раҳбари кўзи ожизлар мактабига бориб, ҳолинг нима, қандай камчиликларинг бор, деб сўрамаган. Юртбошимизнинг шахсан ўзи мактаб-интернатига бориб, ўқувчилар ва мураббийлар билан гаплашиб, уларнинг муаммосини ўрганиши, уларни ҳал қилиш чораларини кўриши, бу бутун кўзи ожизларга бўлган эътибор намунасидир. Энди бу мактабларнинг «Нурли маскан» дея номланиб, уларнинг Ички ишлар вазирлиги оталиғига топширилиши улкан воқелик бўлди. Яқинда ана шундай мактаблар ўқувчилари ўртасида республика миқёсида ўтказилган спорт мусобақаси ва китобхонлик танловида иштирок этдим. Ўқувчиларнинг шижоати, спортга бўлган қизиқишига гувоҳ бўлдим. Мутасадди идораларнинг ҳомийлик ёрдами, ғолибларга берилган мукофотларни эшитдим. Шу ёшга етиб бунақа тадбир, кўзи ожизларга кўрсатилаётган бундай эътиборни кўрмаганман.



Сал олдин ўзим таълим олган мактабга бордим. У ерда айни пайтда кенг миқёсда таъмирлаш ишлари бошланган. Ҳадемай замонавий, кўзи ожизлар учун барча қулайликларга эга бўлган мактаб қад ростлайди. Бу хайрли ишлардан мактаб жамоаси, айниқса, ўқувчиларнинг қувончини бир кўрсангиз эди. Биз ўқиган даврда брайл ёзувидаги китобларни топиш жуда қийин бўлган. Эндиликда шундай ёзувли китоблар билан узлуксиз таъминлаш йўлга қўйиляпти, кўплаб тўгараклар фаолияти жонлантириляпти. Насиб қилса, келажакда республикамиздаги ана шундай мактаблардан ҳам яхши инсонлар, ижодкорлар, ҳунармандлар чиқишига ишончим комил. Мана шундай эзгу ишларнинг бошида турган Юртбошимиздан, Ички ишлар вазиридан, барча мутасадди раҳбарлардан чексиз миннатдормиз.

– Болалигимизда эшитгандик, бундан анча йиллар олдин бўлиб ўтган танловда машҳур санъаткорлардан бири сизнинг ижроингизга тан бериб, ўз торини совға қилган экан. Шу ростми?

– 1991 йил 27 декабрда ёш хонандаларнинг «Камолот–91» республика кўрик-танлови бўлиб ўтганди. 14 нафар иштирокчи орасида мен ҳам қатнашиб, иккита қўшиқ айтдим. Ғолиб бўлиб, гран-прини қўлга киритганман. Танловдаги ҳакамлар ҳайъати жуда нуфузли инсонлардан ташкил топганди: Шерали Жўраев, Ортиқ Отажонов, Нуриддин Ҳайдаров, Муҳаммад Юсуф...

Хуллас, ҳайъат аъзоларига қўшиқларим манзур бўлиб, гран-при билан бирга мукофот учун қўйилган тор созини Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраев қўлларидан олиш бахтига муяссар бўлганман. Бу мукофот республика миқёсидаги мусобақада эришган биринчи совриним бўлгани учун ҳали-ҳануз уни ардоқлаб, сақлаб келаман. Ана шундай устоз назарига тушганимдан, у кишига шогирд бўлганимдан фахрланаман.

– Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолияти ҳақидаги фикрларингиз?

– Ички ишлар органи ходимлари доим ҳурмат қилиб, Оролмирзо ака, ҳофиз деб эъзозлашади. Халқимиз тинчлиги, осойишталиги учун фидойилик билан хизмат қилаётган барча ички ишлар органлари ходимларидан жуда розиман. Қилган ибодатларимда бошқа соҳадагилар қатори, ички ишлар органлари ходимларини ҳам доим дуо қиламан. Тинчликни асраб, халқимиз осойишта яшаши йўлида қилган хизматлари учун ажру савобларини сўрайман. Юртимиз тинч бўлсин. Майли, қандайдир машғулотлар учун, ҳарбий тайёргарликни ошириш учун ясама ўқлар отилсин, лекин ҳақиқий ўқлар отилмасин, ички ишлар органлари ходимларининг умри хазон бўлмасин.

«Postda» мухбири Фозилжон МАМАШАРИПОВ суҳбатлашди.

Мулоҳаза

ЮГУРИБ КЕТАЁТГАН ОДАМЛАР



Одатдагидек, автобусда ишга кетаётган эдим. Автобус ҳар бекатда 5–10 дақиқа тўхтаб, одам йиғарди. Охири, сабри чидамаган бир отахон ҳайдовчига қараб: «Инсофинг борми ўзи, одамлар ишига, ўқишига кечикяпти, ахир», дея куюнди. Шунда ҳайдовчи отаси тенги кишини сенсираб, сурбетлик билан шундай жавоб қайтарди: «Хоҳласанг шу, хоҳламасанг тушиб кет, ана, такси! Мен планни бажаришим керак». Бундан хафа бўлган отахон: «Одобсиз экансан, устингдан арз қиламан», деди. Ҳайдовчи эса «Қўлингдан келганини қил, сенга ўхшаганларни ҳар куни кўриб юрибман», деб зарда қилди.

Бу жанжалга бир автобус одам гувоҳ бўлди. Лекин ҳеч ким индамади. Кўнгли оғриган отахон кейинги бекатда тушиб қолди.

Бир қарашда бу ҳайдовчи ва йўловчи ўртасидаги келишмовчилик бўлса-да, аслида, қадриятларимизга бўлган икки хил муносабатнинг ўзаро тўқнашуви эди. Энг ёмони, шунча одам гувоҳ бўла туриб, томошабинликдан бошқасига ярамадик. Лоқайд қараб туравердик. Нега?..

Америкалик файласуф Элвин Тоффлер ўзининг «Учинчи тўлқин» асарида шундай фикрни келтиради: «Тараққиётнинг шиддати – қадрият, анъана, миллий маданият, дид сингари тушунчаларни, улар ҳақидаги тасаввурларни кескин ўзгартириб юборади. Натижада ҳеч кимга ўхшамаган «виртуал авлод» шаклланади». Яъни, бугуннинг гапи билан айтганда, компьютер билан суяги қотаётган, энг сўнгги ахборотлардан хабардор, замон билан ҳамнафас яшаётган авлод.

Тараққиёт неъматларидан бохабар бўлиб яшаш яхши, албатта. Чунки бу дунёқарашимизни кенгайтиради, илм олишимизда кўплаб қулайлик ва имкониятлар эшигини очади. Воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмасликка, кашфиётлар қилишга ундайди. Ва бу бевосита жамият ривожига ҳам сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ тараққиёт шиддатини, тезлигини ҳамма ҳам тўла англаб етгани йўқ. Унга кўр-кўрона эргашаётганлар ҳам кўплаб топилади. Ачинарлиси, бундайлар ахборот асрининг шунчаки истеъмолчисига айланиб бормоқда.

Ҳаёт мароми тезлашгани сари ахборот оқими ҳам кўпайиб бормоқда. Бу тезлик ақлимизни шошириб қўймоқдаки, биз фан-техника ютуқлари, умуман ахборот истеъмолчисига айланиб боряпмиз. Тараққиётнинг ортидан юриб эмас, югуриб кетаётгандекмиз. Югуриб кетаётган одамнинг бирор нарса ҳақида ўйлашга, фикр юритишга вақти йўқ. Фикрсизлик эса инсонийлик ҳақидаги тушунчаларимизга соя солади ва аста-секин уни емириб боради. Айни шу замонанинг шиддати билан юзага келаётган фикрсизлик юқоридаги автобус ҳайдовчисига отаси тенги одамни беҳурмат қилгани ҳақида ўйлаб, бундан афсусланишига вақт қолдирмайди. Чунки уни кўпроқ одам ташишу мўмай пул ишлаш қизиқтиради. Мақсади эса ўзи ва оиласи эҳтиёжини қондириш, яхши нарсалар сотиб олиш, яхши яшашдангина иборат. Кечга яқин уйига чарчаган кўйи кириб боради-ю, телевизор тагига ёнбошлаганча пинакка кетади.

Худди шундай, автобусдаги томошабинлар ҳам «Менга нима, бошимда юзта ташвиш» дейишдан нарига ўтолмайди. Мана сизга фикрсизликнинг кичик мисоли.

Биз ҳаётимиздаги ўзгаришларга мос равишда ўзимизга хос мушоҳада юритамиз ва шу орқали уларга муносабат билдирамиз. Айнан шунинг учун ҳам шахс сифатида жамиятда ўрин эгаллаймиз. Ана шу тафаккур бизни юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан, жумладан, автобусдаги ҳолатга нисбатан ҳам бефарқ қараб турмасликка чақиради. Шундагина замон шиддати бизни эмас, биз уни ўз измимизга сола оламиз.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,
«Postda» мухбири.

ҚАНОАТЛИ, ОҚИБАТЛИ БЎЛАЙЛИК!



Мозийдан маълумки, касб-корли, ҳунарманд киши ҳеч қачон хор бўлмайди. Барча орзу-истаклари пешона тери билан топилган давлати, мол-мулки туфайли амалга ошади. Ҳозирги пайтда ҳаётидан нолиб, ишлашга иш йўқ деб ўзларини ишонтираётган баъзи кимсалар бошдаги дўппини олиб, ўйлаб кўришса, ёмон бўлмас эди.

Ҳар икки гапнинг орасида «Болам ҳали ёш...» деб юрган ота-онанинг фарзанди кейинчалик уларни «куйдирди». Яъни, оилада камлик кўрмай ўсган ёлғиз ўғил ўн беш ёшга кирар-кирмас, кўчадан орттирган «дўст»ларига қўшилиб, ўғриликка қўл урди. Ота елиб-югуриб, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаб, бир амаллаб уни қамоқдан сақлаб қолди. Шундан сўнг ота-она ўғил иккинчи бунақа «шўхлик» қилмаслиги учун чўнтагидан пул аритмади.



Ўғил қўлини совуқ сувга урмай, белини оғритмай, пешона тери тўкмай пул сарфлашга ўргангани боис нафси кундан-кунга ҳакалак отиб, ўпқонга айланди. Ота-онанинг бир-биридан беркитиб бераётган пуллари унга камлик қилаверди. Оқибатда яна «билмасдан» жиноятга қўл урди.

Йигитчанинг бу галги «ўйинқароқ»лиги каттароқ эди. Шу боис, ота минг югурмасин, эркатойи ўн йилга яқин муддатга озодликдан маҳрум этилди. Давлатимизнинг инсонпарварлиги туфайли жазони охиригача ўтамай озодликка чиқди.

Қамоқдан чиққач, таниши ошхонасидаги буфетни юритиш учун унга топширди. Арзандаларининг одам қаторига кириб, меҳнатга қўл урганидан ота-онанинг қувончи чексиз эди. Аммо бу қувонч ҳам узоққа бормади. У кўплаб одамларни алдаб, пулларини олиб кетади. «Хўш, бу пулларни нима қилди?», деган ҳақли савол туғилиши табиий. У осонгина келиб тушаётган мўмай пулларга гиёҳвандлик воситаси сотиб оларди. Сўнгра ўзига ўхшаган «ҳамтовоғи» билан томирига юборарди...

Афсуски, жамиятимизда ана шундай сабаблар туфайли оилалар пароканда бўлмоқда. Бу каби фожиалар юз бермаслиги учун қаноатли, сабрли ва энг асосийси, меҳр-оқибатли бўлишимиз даркор.

Мирзоқул АҲАДОВ,
«Postda» мухбири.
Бухоро вилояти.

Кунлардан бир кун

ҚАЙСАР ЎЧҚОРНИНГ «ҚИЛМИШИ»



Саид манзилга етиб келиб, «Москвич»ида ўтирганча атрофни кузатди. Сокин кеча. Онда-сонда итларнинг вовуллаши эшитилади. Унинг фикр-хаёли пинҳона режасини амалга оширишда эди.

Бироз муддатдан кейин ишга киришди. Оғилхонага яқинлашганида кучук пешвоз чиқди. Дарҳол қўлидаги бир бўлак гўштни унга ташлади. Бу «сийлов»дан хурсанд бўлган жонивор думини ликиллатганча инига кириб кетди. Саид тезда қўрага кирди. Тунги шарпадан қўрққан қўйлар бир-бирининг пинжига кириб, қўра тўрига тўпланди. Саид семизроқ қўйни ушлаб олиб чиқди-да, тезда машинасига жойлади ва уйига қайтди. У «ови» бароридан келганидан хурсанд эди.

Эрталаб қўйларига ем-хашак бергани чиққан Бозорбой наслдор қўйларидан бири йўқлигини кўриб, таъби хира тортди. Ён-атрофни кўздан кечирди. Қўни-қўшнилардан сўраб-суриштирди. Тополмади. Аммо қўйи ўғирлангани ҳақида ҳеч кимга лом-мим демади.

Орадан ойлар ўтса-да, бу нохуш воқеа Бозорбойга тинчлик бермади. Бир куни у хаёлига келган фикрдан қувониб кетди ва қайсар, уришқоқ қўчқорини оғилхона эшиги олдига боғлаб боқа бошлади.

Кунларнинг бирида Саид яна «ов»га чиқди. Яна ўша манзил, ўша манзара. Одатдагидек кучук унга пешвоз чиқди. Одатдагидек Саид унга бир бўлак гўшт ташлади. Фақат оғилхонага кириши билан остонада катта бир қўчқор кўринди. Йигит «ўлжа»ни кўриб, хурсанд бўлди ва шошилганча қозиқдан ипни еча бошлади. Шу пайт кучли зарбдан ертубан йиқилди.

Шовқин-сурондан уйғониб кетган Бозорбой шошилганча оғилхонага кирди. Ерда нотаниш бир кимса оғриққа чидолмай, инграганча ётарди. У дарҳол профилактика инспекторига қўнғироқ қилиб, қўй ўғрисини ушлаганини айтди. Ҳодиса жойига етиб келган профилактика инспектори Саидга юзланди:

– Сизни ким бу аҳволга солди?

– Қўчқор...

Бу гапни эшитган Бозорбой кулиб юборди. Ҳеч нимага тушунмаган капитан унга қаради. Бозорбой эса оғилхона остонасида боғланиб турган қўчқорга ишора қилди...

Муҳиддин НАВРЎЗАЛИЕВ,
истеъфодаги майор.
Хоразм вилояти.

Одам савдоси – оғир жиноят

ИНСОНИЙЛИКНИ УНУТИБ...

Навоийлик Фазлиддин (исм-шарифлар ўзгартирилди) ижарага енгил автомашина олиб, киракашлик қиларди. Кунларнинг бирида мижозларини Учқудуқ туманига олиб борди ва у ерда тасодифан Наргиза исмли қиз билан танишиб қолди. «Ўхшатмасдан учратмас» деганларидек, улар тезда чиқишиб, Фазлиддин энди тез-тез у томонларга қатнайдиган бўлиб қолди. Наргиза эса уни «қўлдан» чиқармаслик учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Ҳатто «уйимга совчилар келяпти, нима қилай?» деган сафсаталарига ҳам ишонтирди.



Фазлиддин ота-онаси, яқинларининг қаршилигига қарамасдан, Наргизага уйланди. Аммо орадан ойлар ўтиб, келин қайнонаю қайнотаси билан чиқишмай қолди. Келишмовчиликларнинг охири кўринавермагач, келиннинг инжиқликларидан сабр косаси тўлган Фазлиддиннинг ота-онаси уларни алоҳида уйга кўчиришди.

Мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшлар бирин-кетин уч фарзандли бўлишди. Бу вақтда катта рўзғорни тебратиш оила бошлиғи – Фазлиддиннинг гарданида эди. Эрининг қийинчилик билан қора қозонни қайнатаётганини кўрган Наргизанинг эса парвойи фалак эди. Шу сабабли эр-хотин ўртасида келишмовчилик, жанжал авж олди. Натижада оиладаги камчиликлар бартараф этилмасдан, аксинча, кучайиб борди.

Ҳаётдаги муаммолардан боши қотган эр-хотин охири келишиб, ундан қутулишнинг энг жирканч йўлини танлашди: кенжа фарзанди Асилани сотишга қарор қилишди. Бу ишга қариндошлар қанчалик қаршилик кўрсатмасин, уларни фикридан қайтаришнинг иложи бўлмади. Бундан жаҳли чиққан қариндошлар жиноятнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ариза билан мурожаат этишди.

...«Харидор» Мақсуд Исаев Фазлиддин ва Наргизанинг уйига келиб, уларга ниятини билдирди. Наргиза гапни айлантирмай, тезда муддаога ўтди:

– Биз қизимизни 150 миллион сўмга сотмоқчимиз.

– Нега бунча қиммат, ахир, мен уни фарзанд қилиб олмоқчиман, – деди бундан ажабланган Мақсуд.

– Сизнингча, фарзандли бўлиш осонми? – деди жаҳл билан Фазлиддин.

– Майли, сиз сўраётган пулни иккига бўлиб бераман.

– Биз розимиз...

Хуллас, болани келишилган жойга олиб борган эр-хотин «харидор»дан 7 минг 200 АҚШ долларини олаётган вақтида қўлга олинди. Ҳар иккаласи суд томонидан қилмишига яраша жазога тортилди.

Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Тайлоқ тумани ИИБ ЖХХ ҲПБ профилактика инспекторлари

майор **Рустам РАЗЗОҚОВ** ва
лейтенант **Маъруф ХУРСАНДОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.